

## VIII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

8.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

8.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.5. Ушбу Шартнома талабларида назарда тутилган ва тутилмаган ҳолатлар бўйича низолар келиб чиққан тақдирда қонунчилик ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

### **Истеъмолчиларга огоҳлантириш !**

Умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101 ҳамда Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup> - моддаларига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.